Тақдир

# «ЎЗБЕК МАДОННА»СИНИНГ ҚИСМАТИ

1934 йилнинг ёз кунларидан бирида, одамлардан панароқ жойда бола эмизиб турган ёшгина жувоннинг бу сурати 1938 йилда Парижда ўтказилган Халқаро фотокўргазмада Гран-при мукофотига сазовор бўлишини, бутун дунёни ҳайратга солишини ва "Ўзбек Мадоннаси" номи билан дунёга машҳур бўлиб кетишини Макс Пенсон ҳали тасаввур этолмасди!

Ўшандан кейин ярим асрдан кўпроқ вақт ўтади. Бу орада "Ўзбек Мадоннаси" дунё юзини кезиб чиқади, Халқаро фотокўргазмаларнинг экспонатлари тўридан жой олиб, миллион-миллион қалбларга эстетик завқ бағишлайди. Ўзбек аёли сиймосида жо бўлган гўзаллик ва покликни, муқаддас улуғворлик жозибаларини намоён қилиб келади. Бироқ шўролар даври исканжасида яшаётган мамлакат "ўзбек аёлини илоҳийлаштириб, уни жаҳоншумул мадоннага айлантирган фотомухбир"га эътибор берилмади ва унинг бу асари тақдирланмади ҳам, эътироф ҳам қилинмади.

Ниҳоят, 1992 йилга келиб, "Ўзбекистон овози" газетаси Макс Пенсоннинг ана шу дурдона фотоасарини чоп этади ва "Қаердасиз, менинг мадоннам?" дея масаланинг амалий томони билан қизиқади. Яъни, ўз ўқувчилари олдига ана шу суратда акс этган аёлнинг кимлиги ва қаердалиги, ўзбек Мадоннасининг қисмати қандай кечганлиги билан боғлиқ саволларни қўяди.

Бунга жавобан Макс Пенсоннинг барҳаёт фарзандлари "Ўзбек мадоннаси Марғилон шаҳри яқинида яшайди", дея хабар беришади.

И. Игошнинг "Ферганская правда" газетасининг 1992 йил 17 сентябр сонида босилган "Ўзбек Мадоннаси" мақоласида айтилишича, шундан кейингина ушбу сурат қаерда олингани ва унда ким акс топганлиги аниқланган. Маълум бўлишича, ўша куни (1934 йил) Марғилон истироҳат боғининг ёзги эстрада томошагоҳида вилоят драма театри артистлари Акмал Пўлатнинг "Зумрад" пьесасини кўрсатишаётган экан. Бош ролда 19 ёшли актриса Юлдуз Хўжаева бўлган.

У пайтлар болали аёллар учун ҳозиргидек "декрет" таътиллари бўлмаган ва Юлдуз эмизикли ўғилчасини гастролларда ўзи билан бирга олиб юрган. Антракт пайтида кексароқ ёшдаги бир актриса республика журнали учун қўлидаги гўдаги билан суратга тушиб беришини Юлдуздан илтимос қилиб қолади.

Аввалига Юлдуз фотомухбир таклиф этаётган тарзда суратга тушишдан чўчийди. Ахир, яқин одамлари, таниш-билишлари, қолаверса, бутун юртдошлар бундай суратни совуқ қарши олишмасмикин? Шунда Пенсон унга: "Бу шунчаки оддий бир фотоэтюд бўлади. Мен сизнинг исм-фамилиянгизни ёзмасликка сўз бераман. Боласини эмизиб турган оналар эса Ўзбекистонда миллионлаб учрайди", дейди.

"Ўзбек Мадоннаси" ана шу тарзда дунёга келган экан. Бироқ ҳамма гап муаллифнинг санъати билан бирга ўзбек қизи Юлдуз Хўжаеванинг сиймосида аксланиб турган ботиний гўзал ва мусаффо дунёсида ҳам эди...

... Марғилонлик Юлдуз эл назарига тушиб, олқиш ола бошлаган пайтлар у ҳали оқу қорани дурустгина ажратиб ололмаган 12-13 ёшлардаги қизалоқ эди. Аввалига онаси оддий тўқувчи бўлиб ишлайдиган ипакчилик комбинатидаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагида, ундан сўнг Юсуфжон қизиқ Шакаржонов бошлиқ ашула ва рақс труппасида қатнашиб юрди. Юз-кўзлари ловуллаб турган ширмойкулча бу қизда туғма истеъдод борлигини сезган, унинг ҳар хил яллалар ва рақсларни бериб, маҳорат билан ижро этишидан завқланган Юсуфжон қизиқ Юлдузни энди катта саҳналар сари руҳлантиради.



1930 йилнинг охирларида ўзбек миллий театр санъатининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган забардаст санъаткор, истеъдодли режиссёр Мамадали Ҳайдаров Фарғонадаги ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театрини очиб, унга ён-атрофдан кўплаб ёшларни жалб эта бошлайди. Ана шу ёш истеъдодлар сафига Юлдуз Хўжаева ҳам келиб қўшилади ва унинг бундан кейинги бутун ҳаёти шу театр билан боғланади.

Юлдуз Хўжаева Ўзбекистонда биринчи бўлиб "Тоҳир ва Зуҳра" спектаклида Зуҳра образини яратган. "Фарҳод ва Ширин"да Ширин, "Лайли ва Мажнун"да Лайли, "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам"да Шоҳсанам, "Нурхон"да Нурхон... Ана шу каби етакчи ролларнинг яна қанчадан-қанчасини қиёмига етказиб ўйнаган. Бундан ташқари, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева сингари беназир санъаткорлар сафдоши сифатида Фарғона водийсининг қўшиқчилик ва рақс санъати ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

Юлдуз Хўжаева табиатан камтар, шон-шуҳрат кетидан қувмайдиган, ўз манфаатини деб бўйин эгмайдиган, мағрур ва софдил, бағоят гўзал аёл бўлган. У ўз фарзандларини, невара ва эвараларини ҳам ҳалолликка, заҳматкашликка, ўз касбини улуғлашга, элу юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаб ўтди. Юксак унвонлару қатор орден ва медаллар олиш унга насиб этмади. Уни фақат эл таниди, эл олқиши ва дуосини олди, юраклардан юракларга кўчиб яшашдек улуғ бахтга мушарраф бўлди.

Шу ўринда Юлдуз Хўжаева ҳаётидан бир воқеани эслаш жоиздир. Театр саҳнасида Шоҳсанам ролини ижро этиб турган бир пайтда, уйида оғир бетоб ётган Шуҳрат исмли уч яшар ўғилчаси ногоҳ вафот этиб қолгани ҳақида шумхабар келади. Антракт чоғида Юлдузга бу ҳақда ноилож маълум қилишади. Онаизор ўтирган жойида ҳушидан кетади. Режиссёр ёрдамчиси унга нашатир спирти ҳидлатиб, базўр ўзига келтиради. "Нима қилдик энди? Залда томошабинлар кутиб қолишди..." дейишади. Шунда Юлдуз ўзини тутишга уриниб, саҳнага чиқади. Бироқ биттагина арияни айтиб тугатибоқ, томошабинлар кўз ўнгида яна беҳуш йиқилади.

Режиссёр зални тўлдириб ва рўй берган воқеадан ҳайратда қолган халққа қараб: "Ҳозиргина Юлдуз Хўжаеванинг ўғли оламдан ўтганлиги ҳақида хабар келувди", дейишга мажбур бўлади. Шу пайт томошабинлардан қанчадан-қанчаси ўрнидан сакраб туриб, саҳнага отилишган. Севимли актриса бошига тушган мусибатдан қайғуришиб, уни овунтиришга уринишган ва Юлдуз билан бирга унинг уйи томон йўл олишган, қўлларидан келгунча моддий ёрдам кўрсатишган.

Ана шу машҳур актриса Юлдуз Хўжаеванинг саксон йиллиги нишонланаётган мўътабар кунларнинг бирида, менда у билан шахсан танишиш ва "Ўзбек Мадоннаси" ҳақида нимадир ёзиш истаги туғилиб қолди. Уйларига қўнғироқ қилиб, ташриф учун изн олдим.

Фарғона шаҳрининг "Ойбек" даҳасида, бетон деворли икки хонали квартирада ёлғиз яшарканлар. Кириб бордим. Шу ёшларида ҳам чеҳрасидан ҳусн-тароват аримаган, юз-кўзлари кулиб турган, мулойим ва ширинсўз Юлдузхон ая мени хушнудлик билан қабул қилдилар. Ёнларида ёши олтмишлардан ошган барваста гавдали, истарали бир эркак ҳам ўтирган экан, уни менга таништирдилар:

— Ўғлим Саиджон, олим...

Фарғона Давлат университетининг доценти, санъатшунослик фанлари номзоди Саиджон ака Дадажоновни дарров эсладим. "Ўзбек мадоннаси"нинг тафсилотидан гап борганда, мен Юлдузхон аядан кўнглимга тугиб қўйган нарсани сўрадим:

— Ўша суратдаги... гўдак қайси фарзандингиз эди?

Она-бола беихтиёр бир-бирларига мулойим боқиб олишди.

— Ўша тарихий гўдак... мана шу Саиджон акангиз бўлади, — жавоб бердилар Юлдузхон ая.

Мен ҳаяжонда беихтиёр ўрнимдан туриб, Саиджон ака билан қайта кўришдим:

— Омон бўлинг...

Ўша куни Юлдузхон аядан сўрашга ботинолмаган яна бир саволим бор эди, бунисига кейинроқ жавоб топдим. Олтита фарзандни тарбиялаб ўстирган, уларнинг барчаси нуфузли жойларда ишлаб, яхши яшаётган бир пайтда нега энди ёши саксондан ошган ва дармондан қолган кекса онахоннинг ёлғиз ўзлари яшаяптилар? Мени шу нарса ажаблантирар эди. Бу хусусда кейинги учрашувларимиздан бирида Юлдузхон аянинг ўзлари "ёрилиб" қолдилар.

Маълум бўлишича, бу квартирани Юлдузхон аяга шаҳар ҳокимлиги саксон йиллиги юбилейи арафасида тақдим қилган экан. Аяни йўқлаб келувчилар жудаям кўп бўлганлигидан, қидириб юрмасликлари учун шу жойни "штаб" қилиб олган эканлар. Фарзандлари барибир Онанинг ҳол-аҳволидан мунтазам хабардор бўлиб туришаркан ва навбати билан куну тун унинг хизматларида экан.

Юлдузхон ая билан охирги учрашувимиз аянинг менга айтган сўнгги сўзлари бир умрга хотирамда муҳрланиб қолган.

Биз кейинроқ бир-биримиз билан она-боладек қадрдонлашиб қолгандик.

2000 йилнинг сентябри эди. Булутли кунларнинг бири, кеч соат ўнлар эди чамаси, аянинг қизлари Зумрад опа уйимга қўнғироқ қилиб қолди.

— Онамизнинг аҳволи оғир. Сизни йўқлаяптилар. Агар малол келмаса...

Шошилинч етиб бордим. Юлдузхон аянинг илгариги ёниқ чеҳралари энди афтодаҳол ва мунгли боқарди. Ўқтин-ўқтин юраги хуруж қилиб туришидан анчагина беҳол. Мени кўриб, ётган жойида бир оз тетиклашгандек бўлди. Ҳорғин жилмайиб, қўлларини очди:

— Келинг, болам... — Унга томон бош эгдим. Пешонамдан ўпди. Кўзларида ёш ҳалқаланди. — Хайрлашиб қолай, девдим...

— Бундай деманг, ая. Иншооллоҳ, сиз ҳали узоқ яшайсиз.

— Шунчаси етар... Ҳамма нарсанинг барибир интиҳоси бўлади.

— Мадонналар ўлмайди, — энди ҳазил аралаш кўнглини кўтармоқчи бўлдим. — Сиз санъатимиз юлдузи бўлибгина қолмай, ўзбек аёлининг гўзаллик тимсоли сифатида ҳам яшайверасиз.

Юлдузхон ая "Ортиқча баҳо берманг" деган маънода шекилли, хиёл бош чайқаб, маҳзун кулимсираб қўйди. Бир дам нафас ростлаб, яна ҳорғин сўз қотди:

— Кўрдим, бўлди. Энди уйингизга қайтинг. Сизга айтадиган гапим... Мени эслаб туринг, болам...

Шундай қилиб, орадан яна уч-тўрт кун ўтиб, Қирғули шаҳарчасида яшовчи қизлари Мунисхон опаникида фарғоналикларнинг арзанда қизи, бетакрор санъаткор, ўзбек Мадоннаси дея эътироф топган 85 ёшли Юлдуз Хўжаева билан видолашишга тўғри келди. Бешафқат ўлим Юлдузимизни олис осмонларга олиб кетди...

Ўша мусибатли кун қабр бошигача турнақатор бўлиб йўл олган одамларнинг сон-саноғи йўқ эди. Барча йиғлади, табиат йиғлади, гўзаллик йиғлади...

**Солиҳ ҚАҲҲОР**
**Фарғона шаҳри**

Қадрият

**Ўзбек шоири Мирзо Кенжабекнинг "Аввал инсоф айлагил" номли шеъри Туркияда ўтказилган "ЁД" мусобақасида ғолиб топилиб, биринчиликни олди. Бу муносабат билан муаллифга бир неча саволлар ила мурожаат этдик.**

**Савол:** — Мирза ака, сизнинг шеърингиз доктор, профессор Маҳмуд Асъад Жўшон хотирасига бағишланган танлов-мусобақада юқори ўринга лойиқ топилгани Интернет хабарларидан ҳам маълум бўлди. Бу юртдошларимизни қувонтирган бўлиши шубҳасиз. Аввало, сизни "Ҳуррият" мухлислари номидан муборакбод этиб, мусобақада қатнашувингиз сабаблари ҳақида сўзлаб беришингизни сўраймиз.

**Жавоб:** — Ўзбек зиёлиларининг жаҳондаги турли анжуман ва мусобақаларда қатнашуви она Ватанимиз истиқлолининг яхши бир самарасидир.



# АЗИЗЛАРНИ ЁД ЭТДИК

Нақшбандия тариқатининг муршиди комили, атоқли аллома, Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари хотирасига бағишланган танлов-мусобақада иштирок этишимнинг муҳим сабаблари шундаки, у зоти шариф бир қанча жиҳатдан Ўзбекистонга, ўзбек халқига яқиндирлар.

Биринчидан, у зот Ватан жиҳатидан бизга яқин бўлиб, асли аждодлари Бухорои шарифдандирлар. Ер юзидаги жуда кўп инсонларни Ватандошлик туйғулари бирлаштириб туриши ғоят табиий ҳодисадир.

Иккинчидан, Нақшбандия тариқати қадимий Турон, Туркистон, бугунги Ўзбекистон ҳудудидан бутун дунёга тарқалган. Бу ҳаётбахш таълимотнинг бутун жаҳондаги арбоблари бизларга ҳар жиҳатдан яқин ва қадрдон ҳисобланадилар. Хориждаги баъзи нақшбандий шайхларнинг муҳтарам Юртбошимиз таклифи билан диёримизга ташриф буюриши ҳам ана шу қадрдонлик самарасидир.

Учинчидан, Хожа Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари саййидлар наслидан, яъни ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг авлодларидан бўлиб, бу зумрага бизнинг халқимиз қанчалик ҳурмат-эҳтиром кўрсатишини яхши биласиз. Албатта, устунлик тақводадир. Аммо бу борада Соҳибқирон Амир Темурнинг эҳтиромли муомаласи дунё халқларига ибрат бўлса керак, деб ўйлайман. Чунончи, у зот ўз ҳукмронлик фаолиятида саййидлар эътиборига таянганлар, Ҳазрати Қусом ибн Аббос, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Занги Ота ва бошқа улуғлар мақбараларини сидқидилдан қурдирганлар.

Энг муҳими, мусобақа сабабчиси бўлган зотнинг атоқли аллома, авлиёи барҳақ, беназир инсон, ориф ошиқ эканликларидир. Бинобарин, биз фақирларнинг атоқли бир алломага эҳтиром кўрсатишимиз тарихий тажрибаларга асосланади. Чунки гўзал бир ҳадиси шариф бор — ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: "Ҳар кимки бир олим кишини ҳурмат қилса, муҳаққақ, у мени ҳурмат қилган бўлади". Бас, ҳар қайси замонда асл олимларга кўрсатилган ҳурмат ҳазрати Пайғамбаримизга кўрсатилган ҳурматдир.

**Савол:** — Ўзбекистонда Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратларининг бир қанча китоблари, Нақшбандия тариқати вазифасини бажариш одоби таълими ҳам анча машҳур.

**Жавоб:** — Диёримиздаги бир қанча тасаввуфшунос олимлар у зотнинг асарларига мурожаат этишган. Садриддин Салим Бухорий, Иброҳим Ҳаққул, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан каби истеъдодли олимлар шулар жумласидандир. Адабиётимизга, шеъриятимизга ҳам орифона-ошиқона ҳикматларининг таъсири бор. Таниқли шоир Фозил Зоҳид у зотнинг вафотига бағишлаб, қалбни ларзага келтирадиган шеърлар ёзган. Тўлаган Тўхтаев ҳикматларини шеър қилган, Зебо Мирзаева таъсирчан марсия битган.

**Савол:** — "Ёд" танлов-мусобақасининг талаблари, шартлари ҳақида нима дея оласиз?

**Жавоб:** — Ҳозир жаҳонда мусобақалар кўп: футбол, теннис, бокс, кураш ва ҳоказо. Ўзбекистон вакиллари насибага яраша зафар топаётир. Аммо, менимча, мусобақанинг энг шарафлиси Ақл, тафаккур, илм-маърифат, маънавият, фан ва санъат мусобақаларидир. Бунда замон аҳли учун ва келажак авлодлар учун кўп ибрат ва намуналар бор. Бундай мусобақаларнинг миллий тафаккур тараққиётида алоҳида мавқеи бўлади, деб ўйлайман. Мазкур танлов-мусобақада ҳам тўрт хил асар билан қатнашиш таклиф этилган эди: 1) илмий тадқиқот; 2) мақола; 3) шеър; 4) фотолавҳалар. Барча асарлар марказида ИНСОФ тушунчаси туриши, шу нуқтаи назардан фикр юритилиши талаб қилинган. Зеро, инсоф — виждонга мувофиқ ҳаракат, адолатли муомала, дунёдаги адолат ва баракотнинг асосидир.

**Савол:** — Мавзуларга инсоф тушунчаси асос қилиб олинишининг қандай сабаблари бор, деб ўйлайсиз? Ёки бу тасодифий ҳолми?

**Жавоб:** — Йўқ, ер юзида, инсонлар ҳаётидан кўтарилаётган бир нарсанинг мусобақага асос қилиб олиниши асло тасодифий ҳол эмас. Аввало, бунга Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратларининг "Аввал инсоф, кейин илм, кейин Ислом, кейин нафс тарбияси, кейин ишқ ва шавқ, кейин саъю ғайрат, аъмоли солиҳа, хайру ҳасанот, таблиғ, иршод, кейин жидду жаҳд, кейин зафар, кейин икки жаҳон саодати, жаннат ва жамол!" деган муборак сўзлари сабаб бўлган. Кўриб турибсизки, бу сўзнинг ўзида қанча илҳом, қанча ҳикмат ва маънолар бор.

Шу ўринда у зотнинг ўзларининг инсоф ва адолатлари ҳақида баъзи нақлларни эслаш зарурга ўхшайди.

Биламизки, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврлари илм-маърифат, фан ва маданият энг гуллаб-яшнаган, исломий тасаввуф таълимоти равнақ топган, жаҳон тарихида беқиёс мавқега эга бўлган даврлардир. Амир Темурни не-не валий зотлар ҳам ҳурмат билан зикр қилгани тарихдан маълум. Аммо Соҳибқироннинг Йилдирим Боязид ва Тўхтамишхон билан бўлган муҳорабалари ҳақида баъзи салбий фикрлар ҳам йўқ эмас. Чунки Туркияда Йилдирим Боязидни энг маърифатли султонлардан деб билишади. Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари бундай салбий фикрларга орифона донолик билан жавоб берганлар. Йилдирим Боязид ғурурга кетган эди, яъни шунинг учун Амир Темур Аллоҳнинг жазоси бўлиб унга келди, деган маънода сўз айтганлар. Бу Қуръони каримга мувофиқ изоҳдир. Чунки ер юзида қайси ҳукмдор ҳаддидан ошса, у жазосиз қолган эмас. Ёки Америка Ироққа қарши юриш қилганида ҳар турли гаплар кўпайди. Албатта, урушга дунёдаги ҳеч бир виждонли инсон рози эмас. Аммо марҳум шайх Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратларининг Саддам Ҳусайн ҳақидаги гаплари муҳорабанинг сабабларига изоҳ бўлади, деб ўйлайман; у зот: "Саддам Ҳусайн — золим ҳукмдор" деган эдилар. Зулм эса жазосиз қоладиган нарса эмас. Масалан, мўғул босқинчилари Хоразмга бостириб келганида ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубро мўғул лашкари олдида Хизр алайҳиссаломни кўрганлари нақл қилинади. Америка Ироққа юриш қилишидан олдин бир азиз биродаримиз ғаройиб туш кўрган: тушида Жорж Буш Қуръони каримдан бир оятни ўқиб, Ироққа юриш бошлаган. Бу гаплар асло урушга розилик маъносида эмас, балки Аллоҳ таолонинг белгилаб қўйган қазои қадарини рад қилиб бўлмайди, деган маънодадир. Йўқса, биламизки, Шайх Нажмиддин Кубро ҳам бу босқин илоҳий тақдир эканини билган ҳолда, душманга қарши курашиб, шаҳид бўлганлар.

Шунинг учун бизлар ҳар қандай масалада ҳақиқий валийлар хулосаси асосида фикр юритсак, ҳукм ва хулосаларда адашмаймиз, деган фикрдаман.

Мумтоз шоир Исмоилхон Факирий ўз «Баёз»и дебочасида Фузулийнинг гўзал байтини келтирганлар:

***Даҳр бир бозордур:***
***ҳар ким матоин арз эдар,***
***Аҳли дунё – сийму зар,***
***аҳли ҳунар – фазлу камол...***

Айтарли аҳли ҳунар бўлмасак ҳам, юқоридаги сабаблар далдасида "Ёд" мусобақасида ғойибона қатнашган бўлдик.

**Савол:** — Шеърингиз улкан мусобақада биринчиликни олиши сизга катта қувонч келтирган бўлса керак.

**Жавоб:** — Албатта, тўрт девор орасида узлуксиз изланаётган одам учун бу улкан қувонч. Дунёда ёмонлар ҳам яхши сўзга муҳтож. Аммо хотира анжуманида Нуриддин Жўшон ҳазратларининг айтган сўзлари бу қувонч ёнига улкан масъулият ҳам қўшади. У зот: "Энди тақво мусобақасига киришамиз" деган эканлар. Махтумқули айтганларидек: "Ё Раб, қандай бўлур ҳоли банданинг?!" Аллоҳ таоло оқибату охиратимизни хайрли қилсин!

— Суҳбатингиз учун ташаккур билдириб, ғолиб бўлишингизга сабаб бўлган шеърингизни "Ҳуррият" мухлислари эътиборига ҳавола этсак.

**Суҳбатни Иноятхон**
**УБАЙДУЛЛАЕВА ҳозирлади**

## АВВАЛ ИНСОФ АЙЛАГИЛ

*Одам ўғли, ўзни дилсоф айлагил,*
*Сўнгра фикри гирду атроф айлагил,*
*Одил ўл, оламда кўп хавф айлагил,*
*Мосиводин қалбни ҳам соф айлагил,*
*Охират тўнини зарбоф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Боқ, ёруғдир кунларинг офтоб ила,*
*Боқ, ёруғдир тунларинг моҳтоб ила,*
*Кечди пайғамбар неча асҳоб ила,*
*Адлу инсоф, нури оламтоб ила,*
*Сен-да фикри нури ашроф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Бор бўлиб шундай гўзал Пайғамбаринг,*
*Соҳиби Фурқону ҳикмат сарваринг,*
*Не учун бўлди разолат корларинг?! —*
*Масъиятлардин келур душворларинг.*
*Ким деди: "Умрингни исроф айлагил"*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Аҳли иймон мазлуму афтодадир,*
*Аҳли инкор зулм ила яғмодадир,*
*Фиръавнлар изни ҳам Мавлодадир,*
*Боқ, алар ҳукми фақат дунёдадир,*
*Охиратдин сен фақат хавф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Боққи, душман хоину маккор эрур,*
*Шакли дўст-у, касби истисмор эрур,*
*Кимгаки иймон, саодат ёр эрур,*
*Маҳрум этмак истаюр, ғаддор эрур,*
*Эт ҳазар, андин дилинг соф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Иста Раббингдан мудом ҳикмат, билим,*
*Ҳақ дегайдир: молу авлод, эй қулим,*
*Фойда бермас, бўлмаса қалбинг салим,*
*Бир ўлимдан бошқа сўнг йўқдир ўлим,*
*Ёди маҳшар эт, дилинг соф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Бермиш Аллоҳ қулга жузъий ихтиёр,*
*Нурга ёр ўл, бўлмоқ эрсанг, бахтиёр,*
*Тавба қилган зотга неъмат бешумор,*
*Тавбакор бир қалб ила Раббингга бор,*
*Ўйла, фикри сураи Қоф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Етмагайму Ҳақ санга, Қуръон санга,*
*Имтиҳондир ҳар нафас, ҳар он санга,*
*Бас, ғаниматдир гўзал даврон санга,*
*Йўқ, берилмас бошқа бу имкон санга,*
*Баски, тақво бирла дил соф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Қалб гўзал бўлса, келур илҳом гўзал,*
*Дин гўзал, эҳсон гўзал, икром гўзал,*
*Сўз гўзал, афъол гўзал, инъом гўзал,*
*Ҳақ гўзалдир, неъмати Ислом гўзал,*
*Шукр этибон, қалбни кўп соф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

*Илму ирфон изла, Мирзо, топ камол,*
*Ишқу шавқу жаҳду ғайрат бемисол,*
*Пири комилдин гўзал келди мақол:*
*Сенга бўлгай оқибат жаннат-жамол,*
*Ўзни турли соҳиб авсоф айлагил,*
*Ҳар на қилсанг, аввал инсоф айлагил.*

**МИРЗО КЕНЖАБЕК**

Voice of America

# Америка овози

www voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*

*Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.*

*«Америка овози»*

*радиосини қисқа тўлқин — УКВ*
*17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzda 19 ва 16 метрларда;*
*20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzda 41, 31 ва 19,*
*шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда*
*ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.*

VOA

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368*
*uzbek@voanews.com*

## ҲАДИС

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадилар:

— Умматингизнинг энг гуноҳкорлари кимлар?

Буюрдиларки:

— (Мол-мулкини жамият фойдаланадиган яхшилик йўлларига сарф этмаган) бойлар! Сиздан кейин бир тўп инсонлар келади. Таомларнинг энг нафисини ейишади; уловларнинг энг яхшисини минишади, хотинларнинг энг гўзалига никоҳланишади, либосларнинг энг гўзалини кийишади, муштдеккина меъдалари бўлади, лекин ҳеч тўйишмайди. Нафслари ҳакалак отган бўлади, қаноат нималигини билишмайди. Шу бор дунёга ташланадилар, бирлари алламаҳалгача ишлаб, яна саҳардан иш бошлайдилар. Аллоҳни қўйиб дунёга сиғинадилар. Аллоҳга эмас, дунёга (нафсларининг ҳавойи орзуларига) итоат этадилар. Ҳавойи нафсларига бериладилар. Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан у кунларга етиб борган кимсаларга тавсия шулдирки, ундай (бойлар) билан учрашиб қолсалар, салом бермасинлар, хасталанганда бориб кўрмасинлар, ўлганда жанозасига қўшилмасинлар, катталарини ҳурмат қилмасинлар. Кимлар уларга салом берса, хасталарни зиёрат қилса, жанозасига қўшилса ва катталарини ҳурмат қилса, исломиятни йиқитишда уларга ёрдам берган бўлади.

— Дунёни дунё аҳлига қолдиринг. Ким керагидан ортиқ дунёлик тўпласа (буни инсонлар фойдаланиши йўлида сарфламаса), у ўзи билмаган ҳолда ўзига фалокат сотиб олган бўлади.

**"Мукошафат-ул қулуб" китобидан**
**Зилола РАҲИМОВА тайёрлади**

«ТОШКЕНТ МОНУМЕНТАЛ КОМБИНАТИ»
ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил, 27 июн, соат 15.00 да комбинат ҳудудида "Тошкент монументал комбинати" ОАЖ акциядорларининг 2002 йил иқтисодий якунларига доир ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтади.

**КУН ТАРТИБИ:**

***1. Жамият раисининг 2002 йил фаолиятига доир ҳисоботи.***
***2. Кузатув кенгаши раисининг комбинатнинг 2002 йил давомидаги фаолиятининг аудиторлик текшируви якунларига доир ҳисоботи.***
***3. 2003 йилнинг бизнес-режаси.***
***4. Акциядорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш ҳақида.***

**МАЪМУРИЯТ**

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

**Муассис:** Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

***Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:*** **Исмат ХУДОЁРОВ**

**Таҳрир ҳайъати:** Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 331
Адади: 3305

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.